

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНДУСТРЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХИГА ОИД  
АРХИВ ФОНДЛАРИ ТАҲЛИЛИ**  
(Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари мисолида)

**Ш.Ш.Чориев**

Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети доценти

Email: [sherzodch@rambler.ru](mailto:sherzodch@rambler.ru)

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ССР саноат соҳасини индустрлаштириш сиёсатига оид кўплаб тарихий ҳужжатлари бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивида сакланиб қолган.

Ўзбекистонда индустрлаштириш сиёсати тарихига оид маълумотлар мавжуд фондлар сони талайгина бўлиб, шу сабали уларни туркумлаштириб тавсифлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, биринчи гуруҳ ҳужжатлар, бу айнан саноат ташкилотларига тегишли архив фондлари ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ ҳужжатлар Марказий бошқарув органларига тегишли фондларда жамланиб, шу ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ. Ушбу фондларни мазмунига кўра, республикани индустрлаштириш жараёнлари ҳамда саноат ишлаб чиқариш жараёнларини ёритувчи маълумотларга эга фондларга ажратиш мумкин. Саноат соҳасига оид архив фондларини соҳаларига кўра ҳам таснифлаш лозим. Жумладан, ЎзМАда 20 дан ортиқ саноат соҳаси ва уни индустрлаштириш ҳақида маълумотларни жамлаган фондлар сақланган.

Ўз навбатида архивда мамлакат халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган саноат соҳасида фаолият олиб борган бир қанча ташкилот ва корхоналарнинг архив фондлари сақланган бўлиб, улардаги ҳужжатлар республика иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур фондларни қуидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Оғир саноат;
2. Енгил саноат;
3. Озиқ-овқат саноати;
4. Илмий муассасалар.

Ушбу туркумга маҳаллий саноат соҳасини ҳам қўшиш мумкин. Ҳужжатларда маҳаллий саноат ҳақида маълумотлар келса-да, улар учун алоҳида архив фонdlари ташкил этилмаган. Маҳаллий саноат ҳақидаги Ўзбекистон ССР МИҚ, ХКС каби олий органларнинг иқтисодий таҳлил ҳужжатларида қўплаб маълумотлар учрайди.

Ўзбекистон ССР ташкилот органлари орасида қисқа муддатли фаолият олиб борган ташкилотлар ҳам бир нечтани ташкил этади. 1932 йилда ташкил этилиб, 1936 йилда фаолияти тугатилган Ўзбекистон ССР ХКС қошидаги СССР Оғир саноат комиссарлиги ваколатли бошқармаси фонди (Р-83) ҳужжатлари 1, 3 рўйхатларда жамланиб, жами 456 та й/ж сақланиб қолган.

Оғир саноат тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этган яна бир муҳим архив манбаларидан бири Ўзбек-қирғиз тошкўмир қўшма саноати “Фарғона кўмири” (Феруғол) трестининг ҳужжатлари ҳисобланади. Трест 1925 йил 1 октябрда ташкил этилиб, СССР Халқ хўжалиги Олий Кенгашининг 1927 йил 1 октябрдаги қарорига асосан ташкилот номи “Ўрта Осиё тошкўмир” трести деб ўзгартирилган. Трест тошкўмир, тупроқ, ғишт, оҳак, алебастр ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва сотиш вазифаларини бажарган. Трест ҳужжатлари архивнинг Р-103 фондида сақланиб, фонд бўйича тузилган 1, 2, 3, 4 рўйхатларда жами 2693 та йиғмажилд сақланган. 1, 2 рўйхат ҳужжатлари 1923-1927 йилларга тегишли бўлиб, 3, 4 рўйхат ҳужжатларининг хронологик даври 1970-1992 йилларни қамраб олади.

Фонд таркибида “Фарғонакўмири” трести Устави ва Низоми (1925 йил), “Фарғонакўмири” трести бошқаруви мажлислари баённомаси; СССР Халқ хўжалиги Олий Кенгашининг Фарғона кўмири трестини “Ўрта Осиё тошкўмир” (“Средазуголь”) трести сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (1927), “Средазуголь” трестининг устави (1927) каби муҳим ҳужжатлар мавжуд.

Шунингдек, фонда кўмири қазиб олиш ва сотиш бўйича ишлаб чиқариш дастурлари ва беш йиллик режаларини тайёрлаш тўғрисида СССР Халқ хўжалиги Олий Кенгashi ва Мехнат ва Мудофаа Кенгashi ва “Средазуголь” трести бошқаруви бўйича қарорлари, фармойишлари ва циркулярлари; “Средазуголь” трестининг техник йиғилишлари баённомалари, СССР Мехнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонасини кўмири саноати иш режаларини кўриб чиқиш бўйича йиғилиш баённомалари; Корхоналар фаолияти ва ишлаб чиқариш режалари тўғрисидаги ҳисботлар, “Средазуголь” трестининг Ўрта Осиё кўмири саноатида ишлаб чиқариш

кўрсаткичлари бўйича шарҳлари ва маълумотлар (1927 – 1928 йиллар), Ўзбекистон ва Кирғизистон кўмир корхоналари махсулотлари савдоси ассоциациясининг йиғилиш баённомалари сақланган.

1939 йил 3 июлда СССР ХКСнинг СССРда геология хизматини ташкил этиш тўғрисида ва 1939 йил 15 июлдаги СССР Ёқилғи Саноати халқ комиссарлигининг буйруғига кўра, Геология бош бошқармаси тизимида “Средазуголь” Ўзбек геология бошқармаси ва комбинати асосида 1940 йил 23 майда Ўрта Осиё давлат геология разведка трести ташкил этилган. 1940 йил 27 майда СССР Кўмир Саноати Комиссарлигининг буйруғи асосида “Кўмир ва сланец конларини аниқлаш бўйича Ўрта Осиё бирлашган давлат трести ташкил этилган ҳамда ушбу ташкилот СССР Кўмир Саноати Комиссарлиги тасарруфига ўтказилган.

СССР ХКСнинг 1953 йил 15 июндаги кўрсатмаси ва СССР Кўмир Саноати Министрлигининг 1953 йил 18 июндаги бўйруғига кўра трест Ўрта Осиё Бирлашган геология трести деб номланган. Кейинчалик трест СССР кўмир саноати министрлиги қошидаги Геология бош бошқармаси тасарруфига ўтказилган. 1957 йил 5 июлдаги СССР ХКС ва Ўзбекистон ССР геология ва табиий бойликларни ҳимоя қилиш бош бошқармасининг буйруғига кўра трест фаолияти тугатилган.

СССР кўмир саноат Министрлиги Бош геология бошқармасининг Ўрта Осиё Давлат трести Р-2117 фондида ҳам кўмир саноати тарихига оид жами 2882 та ҳужжатлар сақланган. Мазкур фондда СССР ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, оғир саноат, ёқилғи саноати, кўмир саноати халқ комиссарликлари ва кўмир саноати, Бош геология-қидириув бошқармаси буйруқлари ва қарорлари; Кўмир конларини қидириув бош бошқармаси ва “Средазуглегоология” трести Низомлари; геология-қидириув ва геофизика ишларининг йиллик режалари ва титул варақалари, кўмир конларида геология-қидириув, гидрогеологик ва топографик-геодезия ишлари лойиҳалари, трестнинг бурғулаш ва геология-қидириув ишларига оид ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистонда Енгил саноат тарихига тегишли муҳим ҳужжатлар СССР енгил саноат Халқ Комиссарлигининг Ўзбекистон ССР ХКС қошидаги ваколатли бошқармаси (Р-84) фондида сақланиб, унинг рўйхатида 364 та йифмажилд сақланган. Трест 1934 – 1936 йиллар ўз фаолиятини олиб борган.

Фонд таркибида СССР ва Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКС, СССР Мехнат ва Мудофаа Совети ҳамда Енгил саноат ҳалқ комиссарлигининг Ўзбекистонда енгил саноатни янада ривожлантириш тўғрисидаги фармон ва циркулярлари, СССР Саноат ҳалқ комиссарлиги ваколатхонаси ва Ўзбекистон ССР Давлат режа комиссияси ҳузуридаги мажлислар баённомалари. “Ўзбекипаксаноат” трестида капитал қурилиш режалари (1935). Фарғона тўқимачилик фабрикасида тўқимачилик ва йигирув ишлаб чиқариш, меҳнат ва режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича шарҳлар (1935); “Ўзбекипаксаноат” трестининг кўрсаткичлари (1935 – 1936 йиллар) тўғрисидаги ҳисобот ва меморандумлари, Бутуниттифоқ жун маҳсулотларини қайта ишлаш бирлашмасининг Ўзбекистон ССРдаги идораси (1935)нинг ҳисботлари (1936), Сталин номидаги Тошкент текстил комбинати фаолияти ва режалари, Ўзбекистон ССР совхоз секторида жун маҳсулотларини тайёрлаш режасини бажарилиши (1935), Ўзбекистон вилоятларида жун сотиб олиш (1935) ҳақидаги хужжатлар сақланмоқда.

СССР Оғир саноат ҳалқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонасинининг хужжатлари Р-2-фондида сақланган. Фонднинг даврий чегараси ташкилотнинг фаолият олиб борган йиллари билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибида 1934-1936 йилларга доир ҳужжатлар сақланган. Фонд таркибида 195 та й/ж мавжуд. 1971 йилларда рўйхат таркибидаги йиғмажилларнинг сарлавҳалари устида таҳририй ишлар олиб борилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда саноат соҳасини индустрлаштириш бўйича фаолият олиб орган ташкилотларнинг барчаси алоҳида фонд сифатида сақланиб қолган. Ушбу фонdlар республика саноат тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу фонdlар таркибида сақланган тарихий хужжаталр саноат соҳасининг турли йўналишлари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. ЎзМА, 837-фонд, 10-рўйхат, 1-иғмажилд, 28-варак
2. ЎзМА, 83-фонд, 1-рўйхат, 273-иғмажилд, 1-варак
3. ЎзМА, Р-103-фонд, 1, 2, 3, 4 – рўйхатлар таҳлили
- 4 ЎзМА, Р-84-фонд, 1- рўйхат таҳлили